

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2023 йил 31 март, № 64 (8407) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, ОҒЗИБИРЧИЛИК, ТИНЧЛИК ҚАДРИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида 30 март куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**



Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифини Кегейли туманидаги “Ақтуба текстиль” корхонасидан бошлади.

Илгари бу туманда саноат умуман йўқ эди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича қилинаётган ишлар, ҳудудлараро ҳамкорлик натижалари бу ерда ҳам сезилмоқда. Хусусан, андижонлик тадбиркорлар билан биргаликда учта лойиҳа ишга туширилди.

Улардан бири — “Ақтуба текстиль” йилига 3 миллион донадан зиёд трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун Германия, Япония ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. 500 та иш ўрни яратилган. Йилига 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимиз корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, ишчи аёллар билан суҳбатлашди. Чекка ҳудудларда бундай янги корхоналар очилаётгани, хотин-қизлар иш билан таъминланаётганининг аҳамиятини таъкидлаб, буни давом эттириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Корхонанинг ўзида касб-ҳунарга қайта тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилган. Унда яқин маҳаллалардаги ишсиз фуқаролар ҳунар ўрганиб, ўз йўлини топади.

Кегейли туманида Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди.

Тадбир аввалида 6 та янги корхонани ишга тушириш маросими бўлди. Беруний туманидаги “Беруний буғдой кластер” ҳамда “Райҳон аппарел”, Қораўзак туманидаги “Қорақалпоқ цемент” заводининг 3-босқичи, Қўнғирот туманидаги “ККРаси кемикал”, Нукус шаҳридаги “Азимут ҳотел”, Тўрткўл туманидаги “Хозагро” вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди. Бу корхоналарда жами 1 100 та доимий иш ўрни яратилади, улар орқали ишлаб чиқаришга 300 миллиард сўм, экспортга 20 миллион доллар қўшилади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, ушбу янги корхоналарни ишга туширди.

Бу Қорақалпоғистон Республикасидаги ривожланишнинг изчил давоми аслида. Сўнгги олти йилда ҳудудда 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 минг 300 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилган. Тадбиркорлар сони 2 баравар кўпайиб, 46 мингта доимий иш ўрни яратилган. Илгари саноати энг паст бўлган 6 та туманда ишлаб чиқариш 2-3 баравар ошиб, Қорақалпоғистондаги улуши 12 фоизга етган.

Умуман, бу даврда Қорақалпоғистонда саноат 1,3 баравар ўсиб, 61 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Айниқса, кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, текстиль ва тўқимачилик, фармацевтика саноати маҳсулотлари тайёрлаш 2 баравардан зиёд ўсган.

Ўтган йили 31 августда давлатимиз раҳбарининг “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва катта дастур қабул қилинган эди. Бунга асосан 2023 йилнинг ўзида 670 миллиард сўм ва 340 миллион доллар маблағлар ажратилди.

Тадбиркорларга жозибадор бизнес муҳитини яратиш мақсадида фойда, айланмадан солиқ, ер ва мол-мулк солиқлари 2 баравар пасайтирилди, ижтимоий солиқ 1 фоиз қилиб белгиланди. Бу орқали Қорақалпоғистоннинг барча тадбиркорлари ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм қоляпти.

Фақат ушбу ҳудуд тадбиркорларига тижорат кредитларининг 75 фоизига Тадбиркорлик жамғармаси кафиллиги берилиши белгиланди. Бундай имкониятлар соҳалар ривожига қўшимча туртки берди.

— Биз битта эл ва битта юртмиз! Ҳамма вилоятлар Қорақалпоғистонни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Ҳар бир туманга вазирлар, вилоят ҳокимлари, идора ва банклар раҳбарлари бириктирилган. Бунинг натижалари барча туманларда кўриняпти ва бу ишлар тўхтамайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратилган учта янги ташаббус билдирди.

Биринчиси, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Бунинг учун алоҳида Қорақалпоғистон маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб, унга жорий йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Иккинчиси, кадастри йўқ 38 минг уй-жой ва кўчмас мулклар бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаб берилади.

Учинчиси, аҳоли талабини инобатга олиб, жорий йилда 4 мингта уй-жой қурилади. Бунга қўшимча, замонавий лойиҳа асосида 4 минг якка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотихдан ер ажратилади.

Йиғилишда иш ўринларини кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистонда 72 минг расмий ишсиз бор. Ҳар йили 43 минг ёш меҳнат бозорига кириб келади. Шуларни ҳисобга олиб, 193 минг иш ўрни яратиш ва Қорақалпоғистонни “ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш мақсад қилиб қўйилди. Бу борада йирик корхона ва кластерлар, кончилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва қишлоқ хўжалигидаги имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари мўл ва арзон бўлишини таъминлаш мақсадида 2022 йилда аҳолига 6 минг 600 гектар ер берилган эди, бу йил яна 6 минг гектар ажратилмоқда. Бу орқали сабзи, пиёз, картошка каби кундалик маҳсулотларга эҳтиёж қопланади. Бўстон каналини бетонлаш ҳисобига Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларида 100 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади. Дала четларида 3,6 минг гектарда қовоқ, узум ва сабзавот етиштириб, 42 минг тонна маҳсулот олинади.

Қорақалпоғистонда 51 та мактабда ўқувчилар сони меъёрдан 2 баравар кўп. 208 та маҳаллада ичимлик суви таъминоти яхши эмас. 120 километр магистраль ҳамда энг серқатнов 600 километр ички йўлларни таъмирлаш керак. Шу боис 9 та туманда мактабгача таълим муассасалари қуриш, мактаб ва шифохоналарни таъмирлашга, шу жумладан, иссиқлик таъминотига қўшимча маблағ ажратилиши белгиланди.

Йўлларни таъмирлаш, электр энергияси тақчиллиги чораларини кўриш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Қорақалпоғистонлик фаоллар бу марраларни бажариш ўзларига боғлиқ экани, ҳамма бирлашиб ишласа, натижалар янада яхши бўлишини таъкидлашди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида миллатлараро тотувликка бағишланган маданий тадбир бўлди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Қарийб юз йиллик тарихга эга ушбу муассаса санъат ривожида, ёшлар тарбияси ва аҳолининг маданий ҳаётида муносиб ўринга эга. Охирги йилларда театр жорий таъмирланиб, асбоб-ускуналар янгиланди. 2017 йилда унга академик театр мақоми берилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ёшуллилар, санъат соҳаси вакиллари билан бирга бадиий дастурни томоша қилди.

Қорақалпоғистонда кўплаб миллат вакиллари аҳил ва тотув яшамоқда. Дастурда шу жиҳат таъсирчан талқинларда ифодаланди. Халқ достонларидан парчалар, “Шағала”, “Дембермес”, “Нигарим” каби куй-қўшиқлар ижро этилди. Алишер Навоий, Бердақ, Махтумқули ва Абай ижодидан намуналар ўқилди. Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов қаламига мансуб “Туғишганлик” шеъри ва “Ўзбекистон” қўшиғида миллатлараро тотувлик, оғзибирчилик, тинчлик қадри тараннум этилди.

Президентимиз шу ерда қорақалпоғистонлик ижодкорлар, маданият соҳаси вакиллари билан мулоқот қилди. Бадиий дастурни юқори баҳолади.

Ўзбек ва қорақалпоқлар икки тилли бир эл. Асрлар давомида бирга яшаб, дўст, қариндош бўлиб, бир халққа айланиб кетган. Улар бугун мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти йўлида ҳамжиҳат. Бу нафақат саҳнада, балки ҳаётимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу қадриятларни улуғловчи асарларни кўпроқ қўйиш, гастролларга чиқиб, ёшларни театрга қайтариш, маданиятини бойитиш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус ёшлар технопаркини бориб кўрди.

Бу мажмуа ёшларнинг иқтидор ва кўникмаларини шакллантириш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган. Хусусан, компьютер саводхонлиги, график дизайн, робототехника, 3D моделлаштириш, акселерация каби 9 та йўналишда йилига 1 минг 500 йигит-қиз таҳсил олиши мумкин. Бунинг учун замонавий техника, лаборатория ва устахона ускуналари ўрнатилган.

Ҳозирги кунда ўқув курслари битирувчиларининг ғоялари стартап шаклига келтирилиб, “Бўлажак олим”, “Technoways”, “Start 4 Region” каби танловларга 50 га яқин лойиҳалар топширилган. Шунингдек, “Орол денгизининг қурғоқчил ҳудудида уруғчилик плантациясини ташкил этиш” мавзуида умумий қиймати 955 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу денгизнинг қуриган тубидаги ерлардан фойдаланиш, сувни тежаш ҳамда тузни камайтиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу технопарк ёшларнинг интилиш ва ғояларини такомилга етказгунча ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбарига ёш фермер ва олимларнинг қуритилган органик помидор, оқова сувларни тозалаш ва балиқларга озуқабоп ўсимлик лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Яшил технологияларга асосланган бу лойиҳалар Европа давлатларининг сертификатларига сазовор бўлган.

Президентимиз бу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, амалиётга кенгроқ жорий этиш кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Нукус шаҳридаги Алтин жағис маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди.

Бу ерда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллалардаги манзилли ишлар Алтин жағисда ҳам ўз натижасини бермоқда. Яқин-яқингача бу манзил транспортлар бориши қийин, коммуникация тармоқлари камчил жой эди. Ўтган йили бу ер “Обод маҳалла” дастурига киритилиб, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Йўл, электр энергияси, ичимлик суви ҳамда газ тармоқлари янгиланди.

Маҳалла биноси янгидан қурилиб, унинг атрофида болалар майдончалари, тиббиёт пункти, тадбиркорликка кўмаклашувчи марказ, савдо шохобчаси ташкил этилди. Замонавий спорт мажмуаси қуриб битказилмоқда. Бундай яхлит мажмуа аҳолига қулайлик яратади.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги ўзгаришларни кўздан кечирди, аҳоли билан суҳбатлашди.

— Маҳаллангиз обод бўлганини, одамлар юзидаги розиликни кўриб хурсандман. Буни ҳамма жойда давом эттирамиз. Қорақалпоғистон маҳаллаларини обод қилиш, сув, йўл, электр таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча ва тиббиёт пунктларини қуриш ва таъмирлаш учун бу йил 1,5 триллион сўм беряпмиз. Бундан ташқари, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Муаммони маҳалланинг ўзи кўтарсин, ўзига пул берайлик, ўзи назорат қилсин. Шунда сифат ва манфаат бўлади. Одамлар рози бўлади, — деди Президент.

Бу ерда ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўринлари яратишга эътибор қаратилмоқда. Маҳалланинг ери унумдор эмас. Аҳоли, асосан, хизмат кўрсатиш орқали даромад олади. Маҳаллада маиший хизмат шохобчалари, тикувчилик корхоналари, новвойхона, мебелсозлик ва техник хизмат кўрсатиш устахоналари бор. Келгусида қуёнчилик ва балиқчиликни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Маҳалла билан танишиш узоқ давом этди. Давлат раҳбари шу ерлик Қуўаншбай Сейтназаров хонадонида ифторлик қилди.

Юртимизни Наврўз шукуҳи ҳали тарк этмаган. Президентимиз маҳалла аҳлининг сумалак сайлида ҳам иштирок этди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам суҳбатлашди.


**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

**Таҳлил**

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУННИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

**ШУ КУНЛАРДА ХАЛҚИМИЗ ВАТАНИМИЗНИНГ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ, МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ УЧУН ҒОЯТ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИ БИЛАН ҚИЗҒИН ТАНИШМОҚДА.**

### КОНСТИТУЦИЯ ЎЗИ ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТ?

Конституциянинг дунё бўйлаб яратилишидан мақсад — инсон ҳуқуқларини амалга ошириш учун кафолатларни таъминлаш, инсонни давлат, унинг мансабдор шахсларининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ҳисобланган.

Шунинг учун ҳам 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бўйича француз декларациясининг 16-моддасида, қайсики жамиятда инсон ҳуқуқлари кафолатлари, хусусан, ҳокимиятлар бўлиниши таъминланмаган экан, бундай жамият Конституцияга эга бўлмайди деб мустаҳкамланган эди.

Шунинг учун ҳам Конституцияда нима ҳимоя қилинишига қараб, мазкур давлатнинг қандай давлат эканлигини билиб олиш мумкин. Қаердаки, ҳудди Ўрта асрлар Франциясидагидек — давлат бу менман дейилса, у ерда Конституция йўқ, бўлишиям мумкин эмас.

Замонавий демократик ёндашувларга кўра, Конституция бу — ижтимоий шартнома, яъни халқ ва давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган аҳднома ҳисобланади.

1776 йилги АҚШнинг Мустақиллик декларациясида инсоннинг яшаш, эркинлик ва бахтга интилиш ҳуқуқини таъминлаш учун инсонлар томонидан давлат тузилади, мазкур давлат ўз ваколатларини инсонларнинг розилигидан олади, дейилади мазкур ҳужжатда.

Конституцияни қонунларнинг онаси деб ҳам айтишади, яъни барча қонунлар Конституциядан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам баъзи туркий давлатларда Асосий Қонунни “Онаясо” деб номлашади.

Оддий йўл ҳаракати қоидаларида светофор қандай вазифани бажарса ва у ишламай қолган ҳолларда қандай тартибсизликнинг гувоҳи бўладиган бўлсак, Конституция ишламаса мамлакат миқёсида қандай тартибсизлик бўлиши мумкинлигини хаёлга келтириш мумкин.

Конституция бошқа ҳужжатлардан ўзининг олий юридик кучга эгалиги, барча даражадаги органлардан устунлиги, фуқаро, жамият ва давлат олдига мақсад қўйиши билан фарқ қилади.

➡ 2-3

## ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖИДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ

*Мамлакатимизнинг беқиёс тарихий ва маданий-маърифий бойликлари, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган тенги йўқ обидалар, осори-атиқалар ва юртимизнинг ноёб табиати кўплаб хорижликларни Ўзбекистонга ташриф буюриб, ушбу бойликлар билан яқиндан танишишга ундайди.*

**Муносабат**

Кўплаб мамлакатларнинг иқтисодиётида салмоқли ўрин эгаллайдиган туризм соҳаси юртимизда ҳам кенг ривожланмоқда. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива ёки Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш, дунёнинг турли жойларида яшовчи ҳар қандай инсоннинг энг катта орзуси, десак, муболаға эмас.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳақида гап борганда охирги йиллардаги катта ўзгаришлар алоҳида кўзга ташланади. Буни қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин: 2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021 йилдагига нисбатан 3 баравар ошган. Соҳа экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 миллиондан зиёд аҳоли саёҳат қилган.

Сўнгги йилларда 5 та янги хусусий авиакомпанияга асос солиниб, авиация парки 44 тага етказилди. Ўтган йили Самарқанд аэропорти “бешинчи осмон” режимида ишлашга ўтгани ҳисобига, ҳафталик авиақатновлар сони 46 тадан 78 тага, йўловчи оқими эса 6,5 мингдан 10 мингтага кўпайди.

➡ 4




# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУННИНГ

## ШУ КУНЛАРДА ХАЛҚИМИЗ ВАТАНИМИЗНИНГ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ, АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ

◀1 Конституцияларнинг тузилиши, асосан, қуйидагича бўлади: миллат олдида турган мақсадлар — асосий принциплар — ҳуқуқ ва мажбуриятлар — ижро механизмлари.

### КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТНИНГ БОШЛАНИШИ

2022 йил 20 майда Олий Мажлис палаталари Кенгашлари 47 нафар аъзодан иборат Конституциявий комиссияни ташкил этди. Комиссия аъзоларининг деярли барчаси парламент қуйи палатаси аъзолари, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, мамлакатимизнинг ҳудудларидан сайланган сенаторлар, шунингдек фуқаролик жамияти институти вакиллари, олимлар, мутахассислардан иборат бўлди.

Конституциявий комиссия олдига, асосан, бешта вазифа қўйилди:

**Биринчидан,** Конституция барчани янада жипслаштириши, барча фуқароларимиз унда ўз орзу-умидларини, ҳуқуқ ва манфаатларини, таъбир жоиз бўлса, ўз дарду муаммоларига ечимни кўриши керак эди.

Бунда, айниқса, миллати, тили, динидан қатъи назар, у болами ёки ёшми, кексами, аёл ёки ногиронлиги бор шахс, мигрант ёхуд хориждаги ватандош, ҳатто маҳкум ва судланган шахслар бу менинг Конституциям деб баралла айта олиши биз кўзлаган мақсад эди.

**Иккинчидан,** Конституция тўғридан-тўғри ишлаши, одамлар ўзининг кундалик ҳаётида, оиласида, маҳалласида унинг таъсир кучини сезиши керак эди.

Кўпчиликнинг хабари бор, шундай замонлар ҳам ўтдики, оддий одам баъзи ҳолларда формали амалдорнинг олдида ўзини ҳимоя қилиши учун ҳеч қандай асосларга таяна, суяна олмаган кунлар ҳам бўлди. Мажозий қилиб айтганда, хоҳласа, кўчадаги симёғочни ҳам қамайдиган кунларниям кўрдик. Шунинг учун ҳам бу қора кунларга бошқа умуман қайтмаслик учун ишончли конституциявий кафолатлар белгиланмоқда.

Инсоннинг энг асосий ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни илғор демократик давлатлардаги каби фақат суд йўли билангина чеклаш мумкинлиги тўғрисидаги нормалар каррасига кучайтирилмоқда, хусусан, телефон эшитувлари, тинтув каби ҳаракатлар суднинг қарорига асосан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Конституция лойиҳасида ҳозирги замоннинг руҳи, Ватанимиз олдида турган энг муҳим муаммолар ечимига қаратилган нормалар ўз ифодасини топмоқда:

- энди "қора рўйхатлар", банкомат ўрнатмасдан, пластикда юз фоиз ойлик маош ва пенсияларни тўлаб, 30 — 40 фоизга нақдлаштириш, ўғринча "қора бозор"да валюта алмаштириб, жиноятчига чиқишлар, уриб, қийнаб бўйнига айб қўйишлар тарихда қолади, бошқа бу машъум кунлар ортга қайтмайдиган замон келади — лойиҳада инсон қадри, шаъни дахлсиз эканлиги, ҳеч нарса уни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда (26-модда);
- энди ҳеч ким қонунни бузиб, далил тўплай олмайди, ўзингизни нимага ушланганингизни тушунтирмасдан олиб бориб "тиқиб қўёлмайди", қариндошингизга нисбатан гувоҳлик беришга мажбур қила олмайди, қилмаган айбингизни бўйнингга оласан деб уриб-сўкмайди, мажбурлаб гапиртира олмайди, судсиз 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин эмас — (27, 28, 29-моддалар);
- лойиҳа қабул қилингач, ҳеч ким "қамоқда хўрлаб муомала қила олмайди", қариндошинг судланган деб ҳуқуқларингизни чеклай олмайди (28-модда);
- энди ҳеч ким "прописка" деб бошингизни қотирмайди — ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эгалиги белгиланмоқда (32-модда);
- энди пахтага ёки кўча тозалаш ва бошқа ишларга ҳеч кимни мажбур қила олмайди, болаларни дарсдан чиқариб, бошқа ишларга жалб этишга журъат эта олмайди — мажбурий ва болалар меҳнати қатъий тақиқланмоқда (44-модда);
- энди ҳеч ким, валломати бўлса ҳам, бировнинг уйини ўзича бузиб ташлай олмайди, билганича ноқонуний қурилишлар қила олмайди — ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назорати, шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши белгиланмоқда (47, 49-моддалар);
- энди ҳеч ким Ўзбекистон фуқаросини мамлакатдан четга чиқмоқчи бўлса, тақиқлашга ёки мажбуран чиқариб юборишга ёки бериб юборишга, фуқаромиз мамлакатимизга ташқаридан келганда эса киритмайман дейишга ҳаққи йўқ (23, 32-моддалар). Бу орқали хорижга чиқиш учун ҳар икки йилда паспортга стикер олишлар энди ҳеч қачон қайтиб келмаслиги таъминланади, чегаралар орқали ўзаро борди-келди, қўни-қўшничиликка мустаҳкам замин яратилади;
- энди фарзандимизга боғча тополмайдиган вазият ёки олий таълимга давлат грантлари қисқариб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфи ортда қолмоқда — давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, мактабгача таълим ва тарбия давлат назоратида эканлиги, фуқаролар танлов асосида бепул олий маълумот олишга ҳақлилиги аниқ белгилаб қўйилмоқда (50 ва 51-моддалар);
- энди ҳар қандай идора ёки ҳокимлик олий таълим ташкилотлари ишига аралаша олмайди — олий таълим ташкилотлари академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эгалиги муҳрланмоқда (51-модда);
- эндиликда шифохонага борсак ҳамма нарса пуллик деб айта олмайди — тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми бепуллиги белгиланмоқда (48-модда).

**Учинчидан,** лойиҳани ишлаб чиқишда халқимизнинг эҳтиёжлари, миллий ўзлиги, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатимиз, аҳолимизнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, менталитети, сиёсий партияларимиз, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиш даражасидан келиб чиқиш зарур эди. Киритилаётган янгиликларни ҳар бир инсон, халқимиз қандай қабул қилиши, иқтисодиётимиз бунга жавоб бера олиши, жамиятимиз бунга тайёрлиги ҳисобга олиниши, бунда энг катта мезон — зарар етказмаслик, яхши тажрибаларни сақлаб қолиш зарур эди.

**Тўртинчидан,** инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар талаблари инобатга олиниши зарур эди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси, ЕХҲТнинг бир қатор ҳужжатларига мослиги нуқтаи назаридан ўрганилди ва мазкур ҳужжатлар қоидалари лойиҳага имплементация қилинди.

Барчамизга маълумки, ўтган **30** йил давомида Асосий Қонунимизга **16** марта ўзгартиш киритган бўлсак, уларнинг барчаси давлат ҳокимиятига оид масалалар бўлиб, инсон ҳуқуқларига оид деярли ҳеч қандай тузатиш киритмаганмиз. Эндиликда эса инсон ҳуқуқлари бўйича нормалар **3,5** баравардан ошмоқда. Дунё олимлари жаҳондаги барча конституцияларни тадқиқ этиб **110** дан ортиқ ҳуқуқларни санаб ўтишган бўлса, шундан **90** га яқини бизнинг Конституциямиз лойиҳасида ҳозирда мавжуд. Шундан **40** га яқини янгиланган Конституция лойиҳасига киритилган. Албатта, дунёда барча **110** дан ортиқ ҳуқуқларни ҳеч бир давлат ўз Конституциясида қамраб олмаган, чунки бу ҳар бир миллатнинг менталитети, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омиллари билан боғлиқ масаладир.

Бундан ташқари лойиҳада:

- инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги;
- Ўзбекистон тарихида биринчи марта халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми эканлиги;
- агар халқаро шартномада қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши;
- Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилиши ва кафолатланиши;
- ҳар ким қонунчиликка ва халқаро шартномаларга мувофиқ, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақлилиги;
- давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратишига оид нормалар мустаҳкамланмоқда.

**Бешинчидан,** лойиҳани ишлаб чиқишда дунё конституцияшунослигининг энг илғор тажрибалари, хорижий мамлакатларнинг конституциялари синчиклаб ўрганилиши зарур эди.

Шу мақсадда 190 дан ортиқ давлатлар конституциялари тематик жиҳатдан ўрганилди. Дунё конституцияшунос олимларининг барча конституцияларни таҳлил қилиб, ишлаб чиққан 665 та саволномаси кўриб чиқилди.

Мутахассислар лойиҳани ишлаб чиқишда ушбу саволномага ҳам таянди. Шу ўринда айрим юртдошларимизнинг лойиҳадаги баъзи нормалар мавжуд қонунлардан олинган деган эътирозларига жавоб бериб ўтиш ўринли ҳисобланади. Аввалambор қайд этиш жоизки, бу дунё конституцияшунослигига хос тенденция.

Конституция — тажриба майдони эмас. Шунинг учун ҳам "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунимизда қонунлар энг муҳим ва барқарор муносабатларни тартибга солади дейилади. Тажрибада ўзини оқлаган, амалиётда муаммо яратмаган, инсоннинг энг асосий ҳуқуқларига дахлдор масалалар жорий қонунларда Конституцияга ўтиши, уларнинг конституциялизацияси нормал тенденция ҳисобланади.

Қолаверса, юқоридаги саволнома ҳам шуни кўрсатдики, нимаики инсоннинг энг зарур ҳуқуқларига дахлдор бўлса, у Конституцияда бўлиши даркор.

Бунга яққол далил сифатида айтиш жоизки, юқоридаги 665 та саволноманинг 30 та саволи жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси билан боғлиқ саволлар бўлиб, дунё конституцияшунос олимлари мазкур масалалар конституцияларда ўрин олиши керак деб ҳисоблайди. Бизда эса мазкур масалалар Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексида ўрин олган. Қолаверса, мазкур кодексларни, асосан, мутахассислар ўқийди ва фойдаланади, улар нари борса бир миллион бўлиши мумкин ҳамда ушбу кодекслар боғча ва мактаблардан бошлаб ўрганилмайди. Конституцияни эса бутун миллат, 36 миллионлик халқимиз ўқийди, боғчаю мактаблардан бошлаб ўрганилади. Асосий Қонунда энг муҳим масалалар ўрин олса, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият каррасига ошиб кетиши муқаррар.

### ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ

Тарихдан маълумки, кўпгина давлатларда Конституция қабул қилишда **дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига** қўйилади. Бизда ҳам 1992 йилда Асосий Қонунимиз қабул қилинаётганда мана шундай йўлдан борганмиз.

Конституциявий комиссия бу сафар янгича йўлдан бориб, аввал **халқимизнинг фикри, таклифлари ўрганилди**, шундан сўнг **Конституция лойиҳаси** тайёрланди.

Биринчи босқичда Конституция лойиҳасини шакллантириш учун одамларимиз **60 мингдан зиёд** таклифлар берди. Иккинчи босқичда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, **150 мингдан ортиқ** таклифлар келиб тушди. Шу билан бирга, умумхалқ муҳокамасидан сўнг ҳам яна **10 мингта қўшимча таклифлар** келиб тушди.

2022 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашди ва ўзининг бир қатор таклифларини илгари сурди.

2023 йилнинг 6 март куни эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан халқимиз томонидан келиб тушган таклифлар якунлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий суд раҳбарияти билан учрашиб, маслаҳатлашув ўтказди.

Бошқача қилиб айтганда, таклифлар халқдан олинди, халқнинг умумхалқ муҳокамасига чиқарилди, халқ вакиллари — депутат ва сенаторлар учдан икки қисм овоз билан референдумга қўйишга овоз беришди, охирги сўзни ҳам халқ айтади, токи барчанинг овози, у ким бўлишидан қатъи назар, тенглиги адолатли, эркин, очиқ жараёнда намоён бўлади.

Шу ўринда савол туғилади, лойиҳани Олий Мажлис қабул қилиши мумкинмиди? Албатта мумкин эди, 1992 йилда амалдаги Конституция ҳам парламент йўли билан қабул қилинган. Лекин ҳеч кимда заррача бўлса-да савол қолмаслиги учун ҳаммага имкон беришга қарор қилинди.

Худди мадҳиямизда айтилганидек, улуғ халқ қудрати жўш урмоғи, авлодларга энг адолатли, эркин, очиқ, инсон қадри улуғланадиган давлат қолдириш учун ҳам шундай қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон тарихида ягона муаллифи ва манбаи бевосита халқ бўлган, халқни ўзи имзо чекадиган биринчи Конституция шу бўлади, у давлат раҳбари томонидан имзоланмайди.

Мазкур Конституция ҳақиқатан ҳам, **Халқ Конституцияси** бўляпти. Унда аҳолининг барча қатламлари, у **аёл бўладими, нуроний, болалар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар, хориждаги ватандошларимиз, ҳаттоки маҳкумлар, судланган шахсла**р — барча-барчасининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобга олинмоқда.

### ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ

Халқимиз таклифлари асосида Конституция лойиҳасидаги **моддалар** сони амалдаги **128 тадан 155 тага**, **нормалар** сони **275 тадан 434 тага** ошди. Яъни Асосий Қонунимизнинг **65 фоиз** матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

Агар йўналишлар кесимида қарайдиган бўлсак, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар борасидаги нормалар қарийб **3 баравар** кўпаймоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари эса **3,5 баравардан кўпроққа**, оилага бағишлангани эса **2 баравар** ортаётганлигини кўришимиз мумкин.

**3** та янги боб (амалдаги Оила бобига қўшимча болалар ва ёшлар, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар бобига қўшимча маданий ва экологик ҳуқуқлар, алоҳида адвокатура боби) қўшилмоқда.

Конституция лойиҳасининг **15** та нормасида давлат шарт-шароитлар яратиши, **16** та нормасида давлат кафолатлаши, **4** та нормада давлат қайғуриши алоҳида кўрсатиб ўтилаётганлигининг ўзиёқ давлатнинг мақсади инсон ҳуқуқларини таъминлаш эканлигини кўрсатиб турибди.

Лойиҳада **"инсон"** сўзи амалдаги Конституцияга нисбатан **3** баравар бисёр, **"болалар"** сўзи қарийб **3** баравар кўп, **"ёшлар"** сўзи **6** баравар ортиқ, **"аёллар, хотин-қизлар"** сўзлари **2** баравар кўп, **"ногиронлиги бор шахс"**, **"аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари"**, **"интеллектуал мулк"**, **"инклюзив таълим"** деган сўзлар эса биринчи марта қўлланилди.

### КОНСТИТУЦИЯ БУ — КОНСЕНСУС, ИЖТИМОИЙ ШАРТНОМА

Конституция ўз тараққиёт йўлини танлаган миллатнинг онгли танловидир.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, дунёда 1995 йилдан то шу кунгача **63** та давлат, 2000 йилдан шу кунгача эса **47** та давлат Конституциясини янгилаган, ўзгартишлар киритган.

Конституция инсон, жамият ва давлат ўртасида эришилган ўзига хос келишув (консенсус) ифодаси, барчамизнинг розилигимиз асосида ўз ҳаётимизни ташкил этиш принциплари ҳақида келишув, давлат, унинг сиёсий институтлари ва оддий одамлар ҳаёти ва фаолиятида амал қиладиган устувор қоидалар деганидир.

Қайд этиш жоизки, Асосий Қонун лойиҳасини такомиллаштиришда барча сиёсий кучлар ўз партиявий дастурларидан келиб чиқиб, дастурий мақсадларини Конституцияда акс эттириш учун курашдилар.

Шу жиҳатдан **ЎзЛиДеП** давлатнинг бозор муносабатларини ривожлантириш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш бўйича мажбуриятлари, тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақлилиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатлари кабиларни таклиф этди.

Бозор иқтисодиётини ривожлантиришда энг катта омил бўлган масала, яъни ернинг хусусий мулк бўлиши мумкинлиги конституциявий даражада мустаҳкамланиши ЎзЛиДеП партиясининг муҳим ютуғи бўлди.

**Миллий тикланиш демократик партияси** муқаддимада миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигимиз, миллий тикланишимизда давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниш, Асосий принциплар бўлимида эса миллий ривожланишимизда ўта муҳим кафолат бўлмиш **Ўзбекистоннинг дунёвий давлат** деб белгиланиши, давлатнинг мажбуриятларида нафақат маданият ёдгорликларини, балки тарихий, маънавий, маданий, илмий меросимиз муҳофазасининг мустаҳкамланиши, жамиятимизнинг энг асосий бўғинини ташкил қилувчи оилани барпо этишда Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳ тузувчиларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши кабиларни таклиф этди.

**Халқ демократик партияси**нинг электорати Ўзбекистон — ижтимоий давлат деб белгиланаётганини ўз дастурий мақсадларининг амалга ошиши деб ҳисоблаган ҳолда, **ижтимоий давлат принципини** рўёбга чиқариш учун лойиҳада партия платформасидан келиб чиқиб, бир қатор нормаларни таклиф қилди ва лойиҳада ифодасини топишга эришди.

Хусусан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб яшашини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши, фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши, ҳар ким ишсизликда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эгалиги, ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олиниши, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши шулар жумласидандир.

**Адолат социал-демократик партияси**ни мазкур янгиланаётган Конституцияда **Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат** деб белгиланишини партиянинг бош мақсадларидан бирига эришиш сифатида қабул қилди. Партия лойиҳадаги **"Миранда қоидаси"**ни, **"Хабеас корпус"** институтини ривожлантириш, прокуратурага мос равишда адвокатурага алоҳида боб ажратиш, хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, солиқ ва йиғимларнинг адолатли бўлиши, парламентда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани кўриб чиқиш, Ҳукуматнинг давлат бошқаруви органларининг ишида қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолиятида коррупция

---

# ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ ЎРИН ТУТИШИГА УРҒУ БЕРИЛМОҚДА

*Аввал хабар берилганидек, сенаторлар ҳудудларда бўлиб, янгиланаётган Конституциямиз мазмун-моҳияти ва ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутадиган ўрни юзасидан тушунтириш-тарғибот тадбирларини ўтказмоқда.*

### Тарғибот

Хусусан, Тошкент давлат аграр университетида ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида референдумни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва конституциявий ислоҳотларнинг аҳамияти" мавзуидаги семинарда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Тошкент вилояти минтақавий вакили, университет талаба ва ўқитувчилари иштирок этди.

Таъкидланганидек, охирги олти йилда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми 25 баравар ошган, ногиронлиги бўлган шахсларнинг 472 та жамоат бирлашмаси, 150 та миллий маданий марказ фаолиятини бюджетдан молиялаштириш тизими жорий этилган. Янги таҳрирдаги Конституция нормалари эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Қатнашчилар томонидан янгиланаётган Конституцияга илк маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган махсус боб киритилгани, унда фуқаролик жамияти институтларига таъриф берилгани алоҳида айтиб ўтилди. Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш Ҳукуматнинг муҳим вазифалари сифатида белгиланмоқда.

Семинарда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатга қаратилган истиқболларини белгилаб олиш мақсадида 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган концепция тасдиқланганлиги, Конституцияда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳаллалар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, касаба уюшмалари, жамғармалар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ўрни ва мақомини янада мустаҳкамлаш назарда тутилаётгани ҳам урғуланди.

* * *

Тошкент шаҳрининг Олмазор, Миробод ва Чилонзор туманларида ҳам Конституциявий қонун лойиҳасини кенг жамоатчиликка тўлақонли етказиш ва тарғибот ишларини юқори савияда ўтказишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

Уларда қатнашган сенатор ва депутатлар томонидан лойиҳанинг мазмун-моҳияти юзасидан батафсил маълумот берилди. Масалан, ижтимоий давлатга хос ёндашувлар таълим соҳасига оид кўплаб модда ва нормаларда ҳам ўз ифодасини топаётгани, таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробар ошаётгани алоҳида қайд этилди.

Сенатор Д. Тошмуҳамедованинг таъкидлашича, янги таҳрирдаги Асосий Қонунимизда танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олиш кафолатланаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Айни чоғда у лойиҳада аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайганлигига, хусусан, илк маротаба ҳар бир инсоннинг соғлиғини сақлаш ҳамда аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқлари Конституция даражасида эътироф этилаётганлигига урғу қаратди. Бу аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза қилиш, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирларда жорий йилда "Кафолатланган хизматлар пакети" қайта кўриб чиқилиб, унда 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олинаётгани ҳам таъкидлаб ўтилди.

Мулоқотлар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан атрофлича маълумот олиш имконига ҳам эга бўлди.

**«Халқ сўзи».**

---

# БУГУНГИ КУНИМИЗГА ҲАМНАФАС МЕЪЁРЛАР

*Янгиланаётган Конституциямиз лойиҳасидан ўрин олган ҳар бир меъёр бугунги кунимизга ҳамнафаслиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг баъзи бирлари хусусида сенаторлар шундай фикр билдирди.*

### Фикр

**Манзура САЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар таркибида аҳолининг саломатлигини сақлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар каттагина салмоққа эга. Ана шу ислоҳотларнинг мантиқий давоми ўлароқ янгиланаётган Бош қомусимизда аҳоли саломатлигини асраш, соғлиғини сақлаш асослари янада мустаҳкамланаётганлигини келтириш мумкин.

Лойиҳада аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайган бўлиб, илк маротаба ҳар бир инсоннинг соғлиғини сақлаш ва аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқлари Конституция даражасида белгилаб қўйилмоқда.

Ўз навбатида, давлат аҳолига қатор тиббий хизматларни бепул кўрсатиш бўйича мажбуриятни зиммасига олмоқда. Муҳими, бу борадаги эзгу ишлар кейинги йилларда тобора изчиллик касб этиб бормоқда. Биргина мисол: 2023 йилда "Кафолатланган хизматлар пакети" қайта кўриб чиқилиб, 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олиниши, кўп учрайдиган 20 турдаги касалликлар бўйича бирламчи бўғиндаги бепул анализ турлари 15 тадан 25 тагача, текширувлар 10 тадан 20 тагача, дорилар 64 тадан 90 тага оширилди.

Янги конституциявий меъёрлар бу борадаги ишларимизга янгича суръат бериши, шубҳасиз.

**Орал АТАНИЯЗОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Сўнгги йилларда Оролбўйи минтақасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлардан бутун халқимиз мамнун. Денгизнинг қуриган ўзанига қайта ҳаёт улашиш мақсадида турли ўсимликлар ўтқазилмоқда, аҳоли учун яшаш шароитини яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Эндиликда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди, дейиш учун асослар бор. Гап шундаки, янгиланаётган Конституциямиз лойиҳасининг 49-моддасида Оролбўйи минтақаси экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича давлат томонидан зарур чоралар кўрилиши қатъий белгилаб қўйилаётир.

Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш масаласи Конституция даражасига кўтарилаётганлиги алоҳида диққатга сазовор.

Албатта, бу янги норма Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳоли ҳаётини фаровонлаштириш, бандлигини таъминлаш ва атроф-муҳит мусаффолигини сақлашда мустаҳкам ҳуқуқий кафолат вазифасини ўтайди.

**«Халқ сўзи».**

# МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ



## МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ УЧУН ҒОЯТ МУҲИМ ЛОЙИҲАСИ БИЛАН ҚИЗҒИН ТАНИШМОҚДА.

кўринишларига қарши курашиш бўйича чоралар кўришига оид мажбуриятлари белгиланаётганлигини ўзининг партиявий платформасидаги мақсадлар амалга ошишининг ифодаси деб билди.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта Конституцияга экологияга оид алоҳида боб киритилиши, экологияга доир нормалар муқаддимадан тортиб, инсон ҳуқуқларига тааллуқли нормаларда ҳам ўз аксини топганлиги, аввалги нормаларга нисбатан **экологияга оид нормалар** қарийб **беш бараварга** кўпайишини, Конституцияда биринчи марта Ҳукуматнинг **атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишини таъминлаш, табиат бойликларини, биологик хилмахилликни асраб-авайлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш каби вазифалари алоҳида кўрсатиб ўтилишини **Ўзбекистон экологик партияси** Асосий Қонунимиз лойиҳасига партиянинг дастурий мақсадлари киргани сифатида эътироф этди.

Умуман олганда, партияларимиз ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда бир-бирига рақиб бўлгани ҳолда тан олиб айтиш жоиз, миллат, халқ манфаатлари ҳақида гап кетганида ҳаммаси бир мушт бўлиб ҳаракат қилди.

### ЎЗБЕКИСТОН — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ

Янгиланаётган Конституция **Ўзбекистонни ижтимоий давлат** деб эълон қилмоқда. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар **уч** баравар ортмоқда.

**Боланинг ҳуқуқлари**, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш **давлатнинг бурчи** эканлиги конституциявий мустаҳкамланмоқда.

Давлат **ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари** ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг таълим олиш, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши белгиланмоқда.

**Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш**, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши мустаҳкамланмоқда.

Давлат **хорижда яшаётган ватандошлар** билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилиши муҳрланмоқда.

Ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда **меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи** конституциявий кафолатланмоқда.

Давлат **оиланинг тўлақонли ривожланиши** учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши белгиланмоқда.

Жадид боболаримиздан Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз асарларида **"Ҳар бир миллат, энг аввал макотиби ибтидоиясини замонча ислоҳ этиб, кўпайтирмагунча тараққий йўлиға кируб, маданиятдан фойдаланмас"** деган ғояни илгари сурган эди.

Янгиланаётган Конституциянинг энг муҳим жиҳатларидан бири илм-фанни, таълимни ривожлантиришга катта эътибор берилгани билан изоҳланади. **Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб икки баравар кўпайди.**

**"Таълим"** деган сўзнинг ўзи **20** марта қўлланиляпти, амалдаги Конституциямизда фақат **2** мартагина ишлатилган эди холос. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши мустаҳкамланмоқда.

**Сингапурнинг собиқ бош вазири Ли Куан Ю** айтган экан, "мен фақат Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, давлат бюджетини таълимга йўналтирдим, **муаллимни энг қуйи табақадан Сингапурдаги энг юқори мартабага кўтардим**. Давлатдаги мўъжизаларни амалга оширган инсонлар муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган камтарин авлодни етиштириб чиқардилар".

Шу маънода янгиланаётган Конституциямизда ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилаётганлиги, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши конституциявий кафолатланаётганлиги тараққиётимизнинг асосини ташкил этади.

Шунингдек, Конституцияда давлат бепул бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши белгиланмоқда.

Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши мустаҳкамланмоқда.

Янгиланаётган Конституцияда Вазирлар Маҳкамасининг экология, ёшлар сиёсати, оилани қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатлари мустаҳкамланмоқда ва айни вақтда жавобгарлиги ҳам кучайтирилмоқда.

Шу ўринда яна бир гап. Давлат ўзининг ижтимоий мажбуриятларини қачон тўлақонли бажаради? Қачонки, жамият, ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини тўлақонли бажарсагина! Биргина мисол, фуқароларнинг солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашлари ҳам нафақат бурч, балки давлат ўз вазифа ва функцияларини тўлақонли амалга ошириши учун муҳим омил ҳисобланади. Агар одамлар солиқларни тўламаса, даромадини яширса, хуфиёна иқтисодиёт ўсиб борса, давлатнинг ижтимоий функциялари ҳам тўлиқ амалга ошмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

### ЎЗБЕКИСТОН — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

**"Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — давлатнинг олий мақсадидир"** деган норма белгиланмоқда. Лойиҳага асосан **инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади** ва қонунларнинг, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Янгиланган Конституцияга асосан давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари **мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши** керак.

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган **барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.** Ҳар бир инсон **ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқи**га эга. Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият **ҳеч кимнинг зиммасига унинг розилигисиз юклатилиши мумкин эмас**.

Шахсни ушлаб туриш чоғида **унга тушунарли тилда ўз ҳуқуқлари ва ушлаб турилиш асослари тушунтирилиши** керак.

Айбдорликка оид **барча шубҳалар**, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, **гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши** назарда тутилмоқда.

Гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи **ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги** ва исталган вақтда **сукут сақлаш ҳуқуқи**дан фойдаланиши мумкинлиги қайд этилмоқда.

Ҳеч ким ўзига ва **яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги** белгиланмоқда.

Агар шахснинг **ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги** мустаҳкамланмоқда.

**Қонунни бузган ҳолда** олинган **далиллардан** одил судловни амалга ошириш чоғида **фойдаланишга йўл қўйилмаслиги** конституциявий белгиланмоқда.

Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли **етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқи**га эгалиги конституциявий кафолатланмоқда.

Умумхалқ муҳокамаси шуни кўрсатдики, одамлар ҳаётимизда учраётган иллатлар: коррупция, амалдорларнинг ўзбошимчалиги, ўзгариш ва янгиликка интилмаслиги, давлат тузилмалари оддий одамлар муаммоларининг ичига кирмаётганлиги, ҳокимиятлар ишидаги хўжакўрсинлик ва кўзбўямачилик билан муроса қилишни хоҳлашмаяпти.

Одамлар юракдаги дард ва алам билан кўп нарсалар ҳақида гапиришмоқда.

Шу билан бирга, қайд этиш жоизки, умумхалқ муҳокамасида янграган барча танқидлар ишимизни тубдан ўзгартиришимиз учун жиддий огоҳлантириш бўлиб янграши зарур.

Конституциявий ислоҳот давлат ва унинг мансабдор шахслари олдига ўта масъулиятли ва кенг кўламдаги вазифалар ечими устида ишлаш кераклигини, янгиланган талаблар асосида ўз фаолиятини Конституциямизга асосланиб, тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини яна бир бора кўрсатмоқда.

### ЎЗБЕКИСТОН — ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ

Янгиланган Конституцияда инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, экологик ҳаётдаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари бир неча бор ошаётгани **давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимининг самарадорлигини кучайтириш**, давлат органлари фаолиятини **натижадорликка йўналтиришни тақозо этмоқда**.

Конституциявий ислоҳотлар жараёнида Давлат ҳокимиятини ташкил этиш бўлими бўйича келиб тушган таклифларнинг қарийб **20 фоизи**, яъни **18 мингтаси** айнан **парламентни ислоҳ қилиш** ғояси билан боғлиқ бўлди. Ушбу нормаларнинг асосий мазмун-моҳияти давлат ҳокимиятини демократлаштириш, давлат ва жамият қурилишига оид муҳим масалаларни ҳал қилишда парламентнинг ролини оширишда намоён бўлади.

Шу асосда, Конституциявий қонун лойиҳасида қуйидагилар таклиф этилди:

**Биринчидан,** парламент фаолияти билан боғлиқ конституциявий ислоҳотларни амалга оширишда **Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатларини** қайта кўриб чиқиш, бунда, Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг **биргаликдаги ваколатлари**, **ҳар бир палатанинг алоҳида-алоҳида ваколатлари ва масъулият соҳалари** аниқ белгилаб берилмоқда.

Хусусан, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш каби ваколатлар бевосита **халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланадиган Қонунчилик палатаси**га ўтказилмоқда. Бу ўзгартиш қуйи палатанинг вакиллик табиатига мос келади ҳамда унинг фаолиятини янада самарали ташкил этиш имконини беради.

**Иккинчидан,** илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, Сенатнинг мутлақ ваколатлари амалдаги **14 тадан 18 тага оширилмоқда**.

Парламент назорати объектлари бўлмиш ижро ҳокимияти органлари **ихчамлаштирилаётганидан келиб чиқиб,** Сенат ҳам **ихчамлаштирилмоқда.**

Шу аснода, жойлардан тенг вакилликни сақлаб қолган ҳолда **сенаторлар сонини 65 нафар** этиб белгилаш таклиф қилинмоқда.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунлар Сенатда **олтмиш кун** ичида кўриб чиқилиши лозимлиги белгиланяпти. Агар юқори палата бу муддат ичида қонунни кўриб чиқмаса, ушбу қонун имзолаш учун **тўғридан-тўғри Президентга юборилиши амалиётини жорий этиш** режалаштирилмоқда.

Мазкур қоида қонун ижодкорлигига оид тартиб-таомилларни соддалаштиришга хизмат қилади. Бундай амалиёт **Чехия, Польша, Япония, Қозоғистон, Россия** каби давлатларнинг парламент фаолиятида кенг қўлланилади.

Давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни таъминлаш принципидан келиб чиқиб, **вазирликлар ва давлат бошқаруви органларини тузиш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларни тасдиқлаш ваколатини** ҳам **Сенатга** ўтказиш таклиф этилмоқда.

Ҳозиргидек тайинлаш тўғрисидаги фармонни тасдиқлаш ўрнига Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин тайинланиши, махсус хизматлар устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзодни ҳам Сенат билан маслаҳатлашувлардан сўнг тайинлаш амалиётини жорий қилиш таклиф этилмоқда.

**Учинчидан,** Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари сифатида **коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги йиллик миллий маърузани эшитиш** белгиланмоқда.

Бу иккала палатанинг мазкур йўналишдаги самарали ҳамкорлигини таъминлаган ҳолда коррупцияга қарши курашиш борасида ижобий ўзгаришлар учун мустаҳкам замин яратади.

Шунингдек, тарихда биринчи марта Конституция даражасида парламент текшируви институти мустаҳкамланмоқда.

**Тўртинчидан,** марказдаги ва жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятида қатъий тартиб-интизом, масъулият, натижадорликни кучайтириш ҳамда барча партияларга тенг имконият бериш мақсадида Бош вазир номзодини барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиб, давлат раҳбари **Қонунчилик палатасига киритиб, халқ вакиллари маъқуллаганидан сўнг лавозимга тайинлаш** тартиби жорий қилинмоқда.

Чунки сайланган давлат бошлиғи ўз дастурини амалга ошириши учун давлат ишлари бўйича энг масъул шахс сифатида ижро ҳокимиятига оид ваколатларга эга бўлиши зарур.

Бу амалиёт чет элда ҳам кенг тарқалган. Қаердаки, давлат бошлиғи халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланса, у ижро ҳокимиятига оид барча зарур ваколатларга эга бўлади. **Жанубий Корея, Франция, Португалия, Озарбайжон, Аргентина** ва бир қатор қўшниларимизда ҳам шундай.

**Бешинчидан,** мамлакатимизда конституциявий қонунийликнинг таъминланишига масъул ҳисобланган Конституциявий суднинг турли таъсирлардан холи бўлиши, унинг мустақиллигини кучайтириш мақсадида халқаро тажрибани инобатга олиб, мазкур суд **судьяларини ўн йилга бир маротаба сайлаш** таклиф этилмоқда.

**Олтинчидан,** давлат ҳокимиятини янада демократлаштириш мақсадида Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Олий суд, Судьялар олий кенгаши раҳбариятлари, Бош прокурор, Марказий сайлов комиссияси раиси, халқ депутатлари Кенгашлари раислари ва ҳокимларнинг лавозимга **икки муддатдан ортиқ сайланиши (тайинланиши) мумкин эмаслигигига** оид **конституциявий чеклов киритилиши** таклифи илгари сурилмоқда.

**Еттинчидан,** давлат бошлиғининг бир қатор ваколатлари халқ вакилларига — Сенатга ўтказилмоқда, булар коррупцияга қарши кураш ҳамда рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органлари раҳбарларини, Судьялар олий кенгашининг бутун таркибини сайлаш шулар жумласидандир.

**Саккизинчидан,** халқпарвар давлат барпо этиш мақсадида маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари алоҳида-алоҳида ажратиб қўйилиши белгиланмоқда. Жойларда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини ажратиш том маънода инқилобий ўзгаришларни назарда тутади.

Янгиланаётган Конституциямиз тасдиқланганидан сўнг мазкур Кенгашлар ишини тўғри ташкил қилишга кўмаклашиш, **олти ярим минг**дан ортиқ **депутатлик корпуси**га методик ёрдам кўрсатиш бўйича юқори палата олдида улкан вазифалар пайдо бўлади.

Шу мақсадда юқори палатага жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун кўмаклашиш вазифаси юклатилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти, кўлами ва ҳажмидан келиб чиқиб, ушбу лойиҳани **Янги таҳрирдаги Конституция** деб айтишга барча асослар бор. Шунинг учун ҳам лойиҳанинг номи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида эмас, балки **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни** деб аталмоқда.

### ХОТИМА

Янги Ўзбекистонни ҳеч ким четдан келиб қуриб бермайди. Барча ҳаракатларимизда фақат ва фақат ўз кучимизга, имкониятларимизга таянишимиз зарур.

Бундай тарихий жараён ва ҳодисалар ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Агар биз барчамиз миллатимиз, динимиз, тилимиз, ёшимиздан қатъи назар, бир тану бир жонга айланиб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, турли бузғунчи кучларнинг алдовларига учмасдан, жамият ва давлатнинг биргаликдаги тараққиёт йўлини белгилаб олсак, **янгиланаётган Конституция**миз барчамизни бирлаштирувчи чинакам **халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси** бўлади. Жонажон Ватанимиз ўз тараққиётининг бугунги янги босқичида мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворга эга бўлади.

**Эркин ва фаровон, тинч ҳамда осойишта ҳаёт осмондан тушмайди, унинг учун курашиш керак. Айримлар орзу қилган буюк давлатларни ўша юртнинг буюк, матонатли халқи барпо этган.**

Парламентимиз Конституциявий қонун лойиҳасини референдумга қўйиши, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида янги даврни бошлаб берадиган улкан сиёсий-ижтимоий воқеа бўлди.

Эртанги кунимиз, келажагимиз мазкур Конституцияга боғлиқ.

Янгиланаётган Конституция бўйича ўтказиладиган референдумдаги фаол иштирокимиз билан ўзимиз, оиламиз, фарзандларимиз мана шу муқаддас заминда янада эркин ва фаровон яшаши учун мустаҳкам пойдевор яратган бўламиз.

Ватан тақдири ҳал бўлмоқда, Ватан тақдири бу Сизнинг, фарзандингизнинг, ота-она, ака-укаларингизнинг, киндик қони тўкилган барча қон-қариндошларингиз тақдири.

Бизни миллий ғурур ва миллий ифтихор бирлаштириб туради, бизни миллатнинг ҳам яхши куни, ҳам қайғуси бирлаштириб туради

Таҳликали, мураккаб замонда яшамоқдамиз, атроф нотинч, айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер деб халқимиз бежизга айтмаган.

Ота-онанинг ёмони бўлмагани каби Ватаннинг ҳам ёмони бўлмайди. Она Ватан бу Сиз, мен, бу фарзандингиз, ота-онангиз, ака-укаларингиз, опа-сингилларингиз, шу заминга киндик қони тўкилган аждодларингиз.

Янгиланган Конституция Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба бевосита халқимиз таклифлари асосида унинг иродаси билан қабул қилинмоқда, шунинг учун 30 апрелда улуғ халқ қудрати жўш уриши лозим. Зеро, **Конституция бу — халқ сўзидир**!

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
**Конституциявий комиссия йиғма-ахборот таҳлил гуруҳи раҳбари,**
**юридик фанлар доктори, профессор.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ШАЪНИ УСТУВОР

*Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат, деб белгиланмоқда. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинар экан, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиққа ошмоқда.*

## Халқ вакиллари — ҳудудларда

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа тумани ҳокимлигида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда бу ҳақда маълум қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари З. Ибрагимова Асосий Қонунимизга киритилаётган ўзгартишлар ҳақида йиғилганларга маълумотлар берди.

Шунингдек, ана шундай тадбирлар туман тиббиёт бирлашмасида ҳам уюштирилди.

Қайд этилганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддият ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгиланяпти. Шунингдек, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлилиги муҳрланяпти. Ушбу қоиданинг мазмун-моҳияти шундаки, фуқаролар ўз бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, ўзгалар ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Сўзга чиққанлар Бош қомусимизга киритиладиган жамики ўзгартиш ва қўшимчаларнинг негизида Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар моҳиятини белгиловчи "Инсон қадри учун" улуғвор ғояси мужассам эканини таъкидлашди. Янгиланаётган Конституция юртимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиши алоҳида қайд этилди.

### Ижтимоий давлатга хос ёндашув

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муборак Аҳмедованинг Хоразм вилоятидаги учрашувлари ҳам кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Таъкидланганидек, ижтимоий давлатга хос ёндашув таълим соҳаси бўйича ҳам кўпгина модда ва нормаларда ўз ифодасини топмоқда. Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробар ошмоқда. Жумладан, фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш имконияти белгилаб қўйилди.

— Асосий Қонунда фуқароларнинг бепул бошланғич касб-ҳунарга ўқитилиши ҳам белгиланмоқда, — дейди М. Аҳмедова. — Шунингдек, ногиронлиги бор болажонларга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитни яратиш кўзда тутиляпти. Шунингдек, аҳоли кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши ҳам киритилган. Аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар эса 4 баробар кўпайтирилмоқда.

Тадбирда депутат янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг маълумот берди, шунингдек, талабалар томонидан берилган саволларга ҳам атрофлича жавоблар қайтарди.

### Киритилаётган янги нормалар аҳамияти нимада?

И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали академик лицейида янгиланаётган Конституциянинг инсонлар ҳаётида тутган ўрни, унга киритилаётган янги нормалар ва уларнинг аҳамиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

Маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаева янгиланаётган Бош қомусимиз ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, Конституция — давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солади. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, у қонун, Фармон, қарор ёки бошқа бўладими, авваламбор, Конституцияга асосланади.

Янгиланаётган Конституцияда давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши мустаҳкамланмоқда. Қолаверса, давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши белгиланмоқда.

— Ушбу киритилаётган янги норма иш билан таъминланмаган фуқароларнинг камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар кўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қилади, — дейди О. Абдуллаева.

Яна бир муҳим норма — агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланмоқда. Бу ҳол жиноят бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, айбсиз инсонлар жавобгарликка тортилишининг олдини олишга, айни пайтда, жиноят содир этган ҳақиқий айбдор шахс ёки шахсларни аниқлашга хизмат қилади.

Учрашувда иштирокчилар ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим воқелик юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

### Шахснинг судланганлиги унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмайди

Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида ҳарбий хизматчиларни "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти билан таништиришга бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Эркин Солиҳов ва Иқбол Мирзаалиев иштирок этиб, Конституцияга киритилаётган янги нормалар ва концептуал ўзгартишлар ҳақида батафсил тушунча беришди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Бош қомусимизда шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги белгиланмоқда. Бугунги кунда судланганлик олиб ташлангандан ёки судланганлик ҳолати тугаллангандан сўнг ушбу факт шу шахснинг ўзига, унинг ҳаётига таъсир этиши мумкин бўлмаган шароитда, энг ажабланарлиси, унинг оила аъзолари, яқин қариндошлари ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши учраб туради.

Хусусан, қонуний тақиқларга қарамай, айрим давлат бошқаруви органларига ишга кириш жараёнида муайян бир лавозимга талабгорлар учун айнан шундай реал тўсиқ яқин қариндошларининг судланганлик факти ҳисобланади. Қолаверса, меҳнат қонунчилигига кўра, шахсларни яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик ҳолати ғайриқонуний ҳисобланади.

Қайд этилганидек, ўзбек оиласида 4-5 нафар ака-ука ва опа-сингил, бир неча фарзандлар бўлса, бир кишининг хатоси ўнга яқин инсонлар ҳаётига салбий таъсир этарди. Ва қанчалик зўр меҳнат қилмасин, яқинининг судланганлик ҳолати унинг касбий ўсиши, шахс сифатида ривожланиши, жамиятда нуфузли мавқега эга бўлишига тўғридан-тўғри тўсиқ бўларди.

Шахснинг судланганлиги унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги кераклиги тўғрисидаги норма мустабид тузумдан қолган иллатга, қанчадан-қанча йигит-қизларни ўз орзу-умидларидан воз кечишга, қанчадан-қанча ёш оилаларнинг пароканда бўлишгача олиб келган бундай тақиқларга чек қўяди ҳамда ҳар бир шахснинг қонун ва жамият олдида ўзи жавоб бериши тамойилининг реал кафолати бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга депутатлар томонидан батафсил жавоб берилди.

**«Халқ сўзи».**

**Туйғу**

## ШОИРЛАР ТИНЧЛИКНИНГ БУЛБУЛЛАРИДИР

Яхши ниятларнинг навоси бўлгай
Шеър — эл элга тутган дил гулларидир.
Пок сўзнинг ҳар дардга давоси бўлгай,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Ўзбек мезбонликни хуш кўрган азал,
Оқил меҳмонларни туш кўрган азал,
Мангу меросидир бу қадим амал,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Навоий шаҳрида Навоий руҳи,
Мумтоз шеъриятнинг кўҳна шукуҳи,
Зинҳор ғанимларнинг тушмасин суқи,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Қардошлик — бу қондан қонга ўтгайдир,
Қадрият ҳам шондан шонга ўтгайдир,
Меҳримиз ушатган нонга ўтгайдир,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Шеър аҳли қўлларни қўлга бердилар,
Элдан олдилар-у, элга бердилар,
Булбул-да, топганин гулга бердилар,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Навоий ўзбекнинг қонидаги нур,
Румий-ку, турк элин шонидаги нур,
Фузулий озарнинг жонидаги нур,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Абай — ов, қозоқнинг сўзда осмони,
Махтумқули — гўё туркман забони,
Қирғизнинг "Манас"и — ҳикматлар кони,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Қозоқ бешбармоққа супра ёзгайдир,
Қирғиз ўтовида қозон осгайдир,
Ўзбек паловига сабзи босгайдир,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Мумтоз шеъриятнинг мероси сизда,
Дунё туркийларин эъзози сизда,
Дўстликни, бирликни парвози сизда,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Давра оқсоқоли оғамиз Анор,
Саксон беш ёшда ҳам озарча виқор,
Юз билан юзлаштир, эй Парвардигор,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

Татардир, бошқирддир, туркдир қадрдон,
— Хуш кўрдик, сўзидан хушнудмиз чунон,
Янги Ўзбекистон — сиз учун мезбон,
Шоирлар тинчликнинг булбулларидир.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ КЎНГИЛ КЎПРИГИ

*Навоий шаҳрида "Мумтоз шеърият" халқаро фестивали ҳамда унинг доирасида ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлигининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Ушбу нуфузли адабиёт, маърифат ва маданият байрами Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 29 июлдаги "Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилди.*

**Фестиваль**

Таъкидлаш жоиз, ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлиги яқинда Анқара шаҳрида туркий тилли давлатлар ижодий ташкилотлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда таъсис этилиб, унинг илк йиғилишини Навоий шаҳрида "Мумтоз шеърият" фестивали доирасида уюштириш таклифи барча иштирокчилар томонидан бир овоздан маъқулланган эди.

Ушбу нуфузли фестивалнинг улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий номи билан аталган шаҳарда ўтказилгани нафақат юртдошларимиз, балки бутун туркий олам аҳли қалбида ҳам чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотгани, шубҳасиз. Зеро, ҳазрат Навоий туркий тилни дағал, унда нозик ҳис-туйғуларни нафис тарзда ифодалаб бўлмайди, деган ғайриилмий фикрлар ҳукмрон бир шароитда ушбу тилни ҳимоя қилиш учун кураш байроқдори сифатида майдонга чиқиб, унинг бойлигини, қудрат ва салобатини, чексиз имкониятларга эга эканлигини ҳам манзум, ҳам мансур асарлари орқали исботлаб берган.

Шу муносабат билан Ўзбекистонга қардош давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар, шоир ва ёзувчилар, даставвал, пойтахтимизда жойлашган Адиблар хиёбонида улуғ мутафаккир Алишер Навоий хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди.

Ташрифнинг иккинчи куни эрта тонгда меҳмонлар "Афросиёб" тезюрар поездида Навоий шаҳрига йўл олишди.

Фестивалнинг очилиш маросимида ТУРКСОЙ ташкилоти, Туркия, Қирғизистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Татаристон, Бошқирдистон Ёзувчилар уюшмаларининг вакиллари қатнашди. Унда таъкидланганидек, мазкур тадбир нафақат ижод аҳлини, балки қардош халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Тадбирда "Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жилдлик китоблар тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу ноёб мажмуа давлатимиз раҳбарининг ташаббусига кўра нашр этилди. Жамламага умумтуркий адабиётнинг энг сара намуналари, ўзбек, қорақалпоқ, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман ва венгер адабиётининг XI — XXI асрларга мансуб атоқли шоир, адиб ва мутафаккирларининг асарлари киритилган.

Фестивалнинг иккинчи қисми "Фарҳод" маданият саройида давом этди. Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов сўзга чиқиб, фестивалнинг аҳамияти тўғрисида тўхталаркан, жаҳон адабий муҳитига, шунингдек, ўзбек-озарбайжон халқлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлиги фахрий раиси, Озарбайжон халқ ёзувчиси Анор Рзаевни "Дўстлик" ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Президент Фармонини ўқиб эшиттирди. Унга "Дўстлик" ордени ва эсдалик совғалари топширилди.



Тадбир доирасида меҳмонлар Навоий шаҳрининг "Маърифат боғи"да ўтган сумалак сайлида қатнашди. Фольклор-этнографик жамоаларнинг қўшиқ ва томошалари йиғилганларга завқ-шавқ улашди. "Ватан манзумаси" номли адабий-маърифий кеча барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Фестиваль дастури ранг-баранг тадбирларга бой. Иштирокчиларнинг адабий анжуман доирасида юртимизнинг тарихий қадамжоларига, гўзал ва обод масканларига саёҳат қилиши, таълим муассасаларида учрашув ва мушоиралар ўтказилиши, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, азалий қадриятларимиз билан танишиш, чеҳраси ва қалбида нур балққан юртдошларимиз билан самимий мулоқотлар уларга унутилмас таассурот бағишлаши шубҳасиз.

**Сўз — тадбир иштирокчиларига**

**Султон РАЕВ,**
**ТУРКСОЙ ташкилоти Бош котиби:**

— Кейинги йилларда туркий давлатлар ўртасида маданий-гуманитар йўналишларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Адабиёт бу борада илғор йўналишлардан бири сифатида қардош халқларни янада яқинлаштиришга, қалбларни қалбларга боғлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган фестиваль соҳа мутасаддиларини, таниқли шоир-ёзувчиларни жамлади. Ишончим комилки, бу анжуман ижодкорларнинг ўзаро танишишига, дўстлашишига, фикр, тажриба алмашишига, адабий ҳамкорликни изчил йўлга қўйишига замин яратади. Нафақат адабий, балки ижтимоий-маданий алоқаларимизни янги босқичга кўтаришга ҳисса қўшади.

**Анор РЗАЕВ,**
**ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлиги фахрий раиси, ёзувчи:**

— Туркий халқлар бир қушнинг икки қанотига менгзалади. Адабий алоқаларимиз ҳам ниҳоятда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шу туфайли маънавиятимиз, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз бир-бирини тўлдириб, бойиб келмоқда. "Мумтоз шеърият" фестивали ҳам айнан шуни урғулаши билан алоҳида аҳамиятга эга. Тадбир, серқуёш заминингизга ташрифим фавқулодда қувончли янгиликлари билан хотирамга муҳрланди. Ўзбекистон Президенти Фармонига мувофиқ, "Дўстлик" ордени билан мукофотланганимдан бошим осмонга етди. Бу эътибор ва эҳтиром бундан кейин ҳам қардош мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни кенг ривожлантириш, адабий меросимизни халқаро миқёсда тарғиб этиш, адабиёт соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишда менга куч, илҳом бахш этади.

**Улуғбек ЭШДАВЛАТ,**
**ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлиги раиси, Қозоғистон халқ шоири:**

— Туркий халқларнинг кўнгил кўпригига айланган анжуман буюк мутафаккир номи билан аталадиган шаҳарда ўтказилганидан жуда мамнун бўлдик. Алишер Навоий туркий дунёнинг улуғ шоири, буюк мутафаккири, биз ҳамиша илҳом ва ўрнак оладиган ижодкор.

Туркий дунё мумтоз адабиётида ҳазрат Навоийни билмайдиган, унинг ижодига ҳавас билан қарамайдиган, ғазалларига бир марта бўлса-да назира боғлашга уринмаган ижодкор бўлмаса керак. Бугун бу ерга келган ижодкорлар ҳам яна бир бор буюк даҳо шоир билан хаёлан суҳбат қурган, бу зотнинг ижоди ва ибратли фаолиятидан бетимсол сабоқ олган бўлса, ажабмас.

**«Халқ сўзи».**

# ЖАРИМАНИ ИХТИЁРИЙ ТЎЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА СОДДАЛАШАДИ

*Шу йил 23 март куни Президентимизнинг "Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда соҳада коррупцион омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ва бу ҳужжат ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилди, десак, айни ҳақиқат. Боиси бу билан фуқаролар, айниқса, иқтисодий салоҳияти кам аҳолимизга жуда яхши қулайлик яратилди.*

**Қарор ва ижро**

Ушбу қарорга мувофиқ, 2023 йил 1 майдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жарималарни ихтиёрий тўлаш тизими янада соддалаштирилиб, ҳуқуқбузарга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, ўттиз кун ичида эса 70 фоизини ихтиёрий равишда тўласа, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.

Мазкур тартиб эндиликда суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Бу қулайликларни қонун ҳужжатларида белгилаш ва тезроқ амалиётга жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига бир ҳафта муддатда қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси юклатилди.

Фуқаро ва тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Мажбурий ижро бюроси томонидан қўлланиладиган маъмурий жариманинг миқдори ижро ҳужжатида ундирилиши белгиланган суммадан юқори бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Эндиликда Мажбурий ижро бюроси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо қўллашга фақат Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижрочилари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари ҳақлилиги қатъий белгиланди.

Жорий йил 1 сентябрдан бошлаб судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши ҳақидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг "Тезкор маълумотлар" ягона ахборот тизимида автоматик равишда онлайн шакллантирилади. Бу бўйича маълумотнома судланганлик муддати тугаган ёки судланганлик олиб ташланган сананинг эртасидан кечиктирмасдан тегишли шахснинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига автоматик равишда бепул юборилади.

Умуман олганда, бундай қулайликлар борасидаги ислоҳотлар, энг аввало, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишни мақсад қилган давлатда олиб борилишини барчамиз ҳис этишимиз керак. Ушбу ҳужжат эса аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ва жарима юкини камайтириш, давлат органларининг аҳоли билан муносабатларида ортиқча бюрократик тўсиқларни ва коррупцион омилларни бартараф этишга хизмат қилади.

**Фарҳод АШМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖИДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ

1

Меҳмонхоналардаги ўринларнинг умумий сони 60 мингдан ошган бўлса, янги туризм марказлари бутун Ўзбекистон бўйлаб ташкил этилиб, кўплаб ватандошларимиз ва хорижий меҳмонлар анъанавий туризм марказлари билан бир қаторда Наманган, Сурхондарё ёки Қорақалпоғистонда бунёд этилган дам олиш гўшаларига ҳам ташриф буюриб, у ернинг табиати ва тарихий обидалари билан яқиндан танишмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 29 март куни мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, муҳим чора-тадбирлар белгилангани бежиз эмас. Боиси туризм соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ушбу масала стратегик йўналишлардан бирига айланган.

Хориждан ташриф буюрган туристларнинг юртимизда қўшимча бир кун бўлишининг ўзи тизимда фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг йиллик даромадини 300 млн. долларга оширади. Шу нуқтаи назардан, туристик мавсумни узайтирувчи факторлар, туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг анъанавий турлари билан бир қаторда янги йўналишларда — тоққа чиқиш, чанғи учиш, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзаларида чўмилиш, отда сайр қилиш, қумли барханлар узра махсус автомобилларда саёҳат уюштириш каби янги кўнгилочар хизмат турларини ҳудудларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, тегишли вилоятлардаги дам олиш зоналарида ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Зиёрат туризми, гастрономик туризм ёки тиббий туризмни ҳар томонлама ривожлантириш учун юртимизда жуда катта, ноёб имкониятлар бор ва уларни рўёбга чиқариш учун жойларда тизимли ишларни йўлга қўйиш маҳаллий ҳокимият вакилларидан талаб этилади.

Шунингдек, бадиий жиҳатдан пухта ишланган фестиваль ва маданият тадбирларининг дам олиш зоналарида кўплаб уюштирилиши, қишки ва экологик саёҳатлар ўтказилиши туристик контентни бойитиб, юртимизнинг бетакрор гўшаларига ўз фуқароларимизнинг ҳам, хорижликларнинг ҳам ташриф буюришларига янги имкониятлар очади.

Йиғилишда таълим ва тиббиёт тизимлари ходимлари учун алоҳида дастурни тасдиқлаб, уларнинг республика бўйлаб саёҳат қилиши ва дам олишларини йўлга қўйиш топшириғи берилди. Бундай ёндашув бир томондан бевосита соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг аниқ мисоли бўлса, иккинчидан, ички туризмни ривожлантириш учун, соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг нуфузи ҳисобга олинганда, самарали механизм бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз бўйлаб туристик маршрутларни кенгайтиришда авиа ва темир йўл қатновларини кўпайтириш, янги йўналишлар очиш муҳим роль ўйнайди. Бир қатор ҳудудларнинг транспорт хизматидаги тақчилликларни ҳисобга олиб, давлат раҳбари йил якунигача яна 20 та замонавий самолёт ва 8 та электр поезд олиб келиш топшириғини берди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий рейслар сонини 2 баравар ошириб, 100 тага етказишга имкон беради.

Шу билан бирга, саёҳатлар учун автобус қатновини ҳар томонлама кенгайтириш вазифаси қўйилди. Бунинг учун 2023 йилнинг ўзида сайёҳлик ташкилотларига автобуслар сотиб олиш учун 30 миллион доллар кредит ресурслари таклиф қилинади. Айрим йўналишлар бўйича авиачипта харажатининг бир қисмига субсидия бериш зарурияти ҳам кўрсатилди.

Туроператор, меҳмонхона ҳамда ташувчиларга 10 ва ундан ортиқ ўриндиқли автотранспортлар олиб киришда божхона имтиёзлари, Қамчиқ довонида микроавтобус, Жиззах довони, Чимён ва Чорвоқда туристик автобус ва микроавтобуслар қатновига рухсат берилиши ушбу ҳудудларнинг туристик салоҳиятини янада юксалтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, соҳани замон талабларидан келиб чиқиб, халқаро тажриба асосида ривожлантириш бўйича белгилаб берилган янги вазифа ва чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат туризм соҳаси ривожида янги даврни бошлаб беради. Энг муҳими, туризм соҳаси салоҳиятининг бундай юксалиши, шубҳасиз, халқимиз фаровонлиги янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Эркин ЗОҲИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИНИНГ БАҲОЛАШ РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

*Куни кеча Коррупцияга қарши курашиш агентлигида давлат органлари ва ташкилотларининг Очиқлик индексини баҳолаш натижасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

*Унда сенаторлар, агентлик раҳбарлари, баҳолаш комиссияси аъзолари, ОАВ вакиллари ва блогерлар иштирок этди.*

**Анжуман**

Таъкидланганидек, мамлакатимизда сўнгги йилларда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминловчи механизм ва жамоатчилик назорати институти ҳаётга самарали жорий этиб келиняпти.

Бу борада эса ўтган даврда қабул қилинган 3 та қонун, Президентнинг 2 та Фармони ва 2 та қарори, Ҳукуматнинг 2 та қарори ҳамда 1 та идоравий ҳужжат дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 35 та ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни давлат органлари расмий веб-сайтлари ва очиқ маълумотлар порталида жойлаштириш амалиёти жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги Фармони билан давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлик бўйича амалга ошираётган ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилгани ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Йиғилишда қатнашган сенатор Ф. Боқиев бу Фармон билан давлат органлари ва ташкилотлари биринчи раҳбарларининг очиқликни таъминлаш борасидаги ишлари тўғрисида ҳисоботлари ҳар ярим йилда Олий Мажлис Сенати мажлисларида эшитилиши белгиланганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Айни чоғда у амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга ҳам тўхталди. Жумладан, 2022 йил якуни бўйича "Очиқлик индекси"ни баҳолаш борасида рўёбга чиқарилган ишлар ҳақида фикр юритилди.

Қайд этилганидек, ушбу жараёнда 86 та вазирлик, идора ва муассасалар қамраб олинган. Улардан 21 таси вазирликлар, 14 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, 32 таси давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳамда 19 таси қўмита ва агентликлардир.

Тадбир сўнгида юқори малакали мутахассис ва экспертлардан иборат таркибда тузилган баҳолаш комиссияси аъзоларининг тегишли қарорига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти Очиқлик индексининг баҳолаш рейтинги эълон қилинди.

Хусусан, баҳолаш рейтинги натижаларига асосан 15 та давлат органи ва ташкилоти "яшил" тоифага, 44 таси "сариқ" тоифага ҳамда 27 таси "қизил" тоифага ажратилган.

Мазкур масала Олий Мажлис Сенати қўмитаси мажлисида муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда.

**«Халқ сўзи».**

**Сенатор ва ҳаёт**

# ФУҚАРОГА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Рисқул Сиддиқов Жиззах вилоятида бўлиб, фуқароларнинг мурожаатларини ўрганди.*

Жумладан, сенатор Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоевага фарзандини даволатиш учун ёрдам сўраб мурожаат йўллаган фуқаро билан суҳбатлашди.

Эътиборлиси, мазкур мурожаат тегишли мутасаддилар иштирокида чуқур ўрганиб чиқилди. Натижада фуқаронинг фарзандида аниқланган касалликни даволаш учун жарроҳлик амалиёти ўтказилиши лозимлиги хусусида хулоса ва даволаниш учун имтиёзли йўлланма берилди. Клиник лаборатория текшируви хулосасига асосан жарроҳлик амалиётини ўтказиш режалаштирилди.

Беморнинг оилавий шароити ўрганилиб, моддий маблағ ажратилиши учун халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашига ҳужжатлар тўплами тақдим этилди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ТАШАББУСКОР ВА ТАШКИЛОТЧИ БЎЛИШИ КЕРАК

*Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими таъсис этилди.*

**Масъулият ҳисси**

Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, орадан ўтган бир йилдан ошиқроқ вақт ичида ҳоким ёрдамчиси том маънода аҳолининг яқин кўмакдошига айланмоқда. Бу вазифага салоҳиятли кадрлар тайинланлангани охир-оқибат оддий одамлар ҳаётида яхши ўзгаришларга туртки бераётир.

Наманган вилоятининг Чуст туманида ҳам ушбу лавозимга номзодларни саралаш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Мавжуд 72 маҳаллада иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари ўз вазифасига масъулият билан ёндашаётгани боис аҳоли орасига дадил кириб бориб, муаммолар ечимида ташаббускорлик кўрсатаётир. Қолаверса, уларнинг асосий қисми аввал иқтисодиёт, инвестиция, тадбиркорлик соҳаларида фаолият олиб борганини, айниқса, қўл келмоқда.

Аслида ҳам, ҳоким ёрдамчилари зиммасига юклатилган юмушлар енгил эмас. Бунинг уддасидан чиқиш учун маҳалланинг паст-баландини, оилалардаги аҳволни чуқур билмасдан туриб кўзланган натижага эришиш мушкул. Шундан келиб чиқиб, ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллалардаги хонадонлар қисқа вақт оралиғида хатловдан ўтказилди. Натижалар атрофлича таҳлил қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган энг устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўрганишлар чоғида тумандаги 49,3 минг хонадоннинг 15,8 мингтасида оила аъзоларининг қўшимча даромад топиш истаги борлиги аниқланган. Шундан келиб чиқиб, бизнесни йўлга қўйиш ва бандликнинг бошқа йўналишлари бўйича 1 минг 123 та лойиҳа ишлаб чиқилди, натижада улар ижрога қаратилиб, 27 минг 39 киши доимий меҳнат ўрнига эга бўлди.

Масалан, "Наврўз" МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Турсунали Маҳкамовнинг ташаббуси билан ҳудудда бўш турган бинони ижарага олиб иш бошлаган тадбиркор Қурбонали Ҳолиқов тўқимачиликни йўлга қўйди ва 16 кишини ишли қилди. "Сариқамиш" МФЙда эса бўш турган бино фуқаро Муҳтарам Бобоқуловага берилганидан сўнг у 20 миллион сўм маблағ сарфлаб, мономарказ ташкил этди. Эндиликда бу ерда ҳар бир босқичда 22 нафар йигит-қиз маълум бир касб-ҳунарни эгаллаб, сертификат оляпти.

Доимий иш ўрнига эга бўлмаган ва кам даромадли оилаларни камбағалликдан чиқариш борасидаги ишлар ҳоким ёрдамчиларининг устувор вазифаларидан саналади. Улар билан ишлашда, биринчи навбатда, меҳнатга яроқли фуқаролар бандлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Айни жараёнда аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, зарур ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қуролларини олиб бериш имкониятидан кенг фойдаланиляпти. Шу мақсадда туманда 256 нафар фуқарога 927 миллион сўм миқдорида субсидия ажратилди ва натижада улар ўз бизнесларини йўлга қўйиб олишди. Хусусан, Дўстлик маҳалласида ҳоким ёрдамчиси Файзулло Мадаминов 7 та оилага шу масалада амалий ёрдам кўрсатгач, мазкур хонадонларда томорқа хўжалигини юритиш, тикувчиликни йўлга қўйиш орқали доимий даромад манбаи яратилди.

Ҳоким ёрдамчилари ўз ҳудудидаги ободонлаштириш, инфратузилмани яхшилаш борасидаги оғриқли масалалар ечимига ҳам астойдил киришаётир. Чунончи, ўтган йил якуни билан туман маҳаллаларида 41 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқларининг таъмирдан чиқарилиши, 154 километр ички йўлларга асфальт ётқизилиши, 27 километр янги электр линияси тортилиши ва бошқа қатор тадбирлар шу йўсинда амалга оширилди.

Маҳаллалардаги янги институт — ҳоким ёрдамчиси лавозими ўсиб келаётган ёшлар учун ўз иқтидори, ташкилотчилик қобилиятини намойиш этиш майдонига айлангани яна бир эътирофга молик жиҳат. Бунда астойдил меҳнат қилиб, ташаббускорлик кўрсатган мутахассислар янада масъулиятли вазифаларга муносиб кўрилаётир. Қолаверса, намунали фаолияти билан олийгоҳга киришда мавжуд имтиёздан фойдаланаётганлар ҳам анчагина. Чунончи, "Пилол" ва "Қуйи Карнон" МФЙларда иш олиб бораётган ҳоким ёрдамчилари Мамутхон Аҳмедов ва Бахтиёр Ғанижонов Наманган вилояти ҳокимининг тавсияси билан олийгоҳ талабасига айланишди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, ҳоким ёрдамчилари ўзи масъул ҳудуд ҳаётига чуқур кириб бориб, мавжуд муаммолар ечимига жиддий ёндашаётгани туфайли жойлардаги ижобий ўзгаришлар кўлами кенгаймоқда — одамларнинг турмуш даражаси яхшиланяпти, истиқболли бизнес лойиҳалар рўёбга чиқмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар одамларнинг бугунги кундан розилик ҳисси ошиб боришида намоён бўлмоқда.

**Жамшид БАҲОДИРОВ,**
**Чуст тумани ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосари.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 296 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.40 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6